



ТЕЛЕДАСТУРЛАРДА ПОРТРЕТ ПЕРСОНАЖ ХАРАКТЕРИНИНГ ТИМСОЛИ СИФАТИДА

Нилуфар Талибжановна Умирзакова

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар

университети мустақил тадқиқотчиси,

ЎзМТРК “Ўзбекистон”

телерадиоканали катта муҳаррири

nilufar74.1974@gmail.com

Аннотация: Ушбу тезисда теледастурлардаги портретларни акс эттирувчи жамоат арбоблари, олимлар, спортчилар, шоу бизнес юлдузлари ва улар каби машҳур инсонлар ёки ноёб қашфиётлар қилган, ақл бовар қилмас ҳодисалар содир этган оддий одамлар телелойиҳаларда персонаж характерининг тимсоли сифатида акс этиб, аудиторияга тақдим этилиши ҳақида сўз боради.

Таянч сўзлар: телевидение, кўрсатув, қаҳрамон, портрет, характер, образ, персонаж, аудитория, томошабин.

XXI аср телевидениесидаги портретлар жамоат арбоблари, олимлар, спортчилар, шоу бизнес юлдузлари ва улар каби машҳур инсонларга бағишиланади. Оддий одамлар, қачонки, ноёб қашфиётлар ёки ақл бовар қилмас ҳодисалар содир қилгандаридаги видеотасмаларга муҳрланиши мумкин.

Замонавий қаҳрамонни, машҳур номга эга бўлмаган қаҳрамонни излаб топиш осон эмас, бу масъулиятли вазифани бошлишдан аввал, «портрет», «замондош портрети» тушунчаларининг генезиси билан танишиш керак[1].

Портрет (франц.portrait – тасвир) – тасвирий санъат жанри; реал ҳаётда мавжуд бўлган якка, икки ёки бир гурух кишилар, рассом тасаввурида пайдо бўлган хаёлий қиёфаларнинг тасвири[2]. Санъат тарихи назариясида портрет тушунчаси остида маълум бир шахс ёки гурух назарда тутилиб, инсоннинг ташқи кўриниши, ички дунёси ва характерининг моҳияти очиб берилади. М. И. Андроникова портрет яратиш санъати ҳақидаги монографиясида шундай ёзади: «Портрет санъат билан бирга туғилмайди, балки инсон ўзини бошқа мавжудотлар ичida ғайриоддий яратилганлигини англағандагина пайдо бўлади»[3]. Осмонлар ва Ернинг ихтирочиси [4] Аллоҳ тирик жонлар ичida инсонни севиб яратган ва ҳеч қайси жонзотга бермаган, онг, фикрлаш ва ихтиро қилиш хислатини одамга ато этган. Яратувчанлик – нафақат авлодни давом эттириш, балки ҳар соҳада, ҳар соҳага ижодий ёндашув эканлигини ҳисобга олсак, ўз йўналишида муваффақиятга эришган шахс телеқаҳрамонга айланиш эҳтимоли катта. Муаллифнинг персонажда ўзига хосликни кўриши, бошқаларга ўхшамаган индивидуал қиёфани яратиб телепортретни вужудга келтиради. Телевизион маҳсулотда биз портретга образ яратиш воситаларидан бири сифатида ёндашиб, персонаж ташқи ва ички қиёфасининг тавсифини берамиз.

Портрет – бугунги кунда жамиятда шахс ҳақидаги замонавий маданият тизимиға киритилган образ, харизма, имиж тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ [5]. Тадқиқотимизнинг биринчи бобида «образ» ва «имиж» тушунчаларини таҳлил қилиб, баъзи луғатларда улар синоним бўлиб келсада, бизнинг вариантда икки хил маънони англатишини ёритганимиз. Образ – интуитив тасаввур бўлса, имиж – мақсадли тасаввур, қайдларда келтирилишича: «Харизма (юн.charisma – муруват, илоҳий қобилият) – бирор шахснинг бошқаларга нисбатан алоҳида хусусиятларга эгалиги (донолиги, қаҳрамонлиги, авлиёлиги) ва шу хусусият ёрдамида ҳалқни бошқаришга ҳақли эканлигини ифодалайдиган тушунча»[6]. Харизматик одамлар ноёб қобилиятга эга бўлиб, доимий диққат марказида бўлади, табиийки телевидение деб аталмиш катта бозорнинг истеъмол маҳсулотига айланади.

Телепортрет – фақат шахс мақомидаги жамоат арбоблари ва ижодкорларнинг ижтимоий-сиёсий, ижодий фаолиятига бағишлиланган бўлиб, муаллиф ўз қаҳрамонининг асарлари, ҳаётдаги амалий ишлари мисолида унинг ҳам инсоний, ҳам маънавий олами ҳамда ижод сирларини кўрсатишга ҳаракат қиласи. У ўз фикр – мулоҳазаларини қаҳрамоннинг ҳамкаслари, соҳа мутахассислари ва яқин кишиларининг фикрлари ёзиб олинган синхрон нутқи интервью билан тўлдириб, исботлаш асносида қаҳрамоннинг ўзига хос портретини намоён этади [7].

Телевидениенинг ўзига хос хусусиятлари овоз билан ҳаракатланувчи маълумотларни етказиш, журналистнинг дастур иштирокчилари ва аудитория билан алоқага киришиши ва тезкорлик бўлса, телепортрет ҳам бошқа оммавий ахборот воситаларидан ранг-баранглиги билан фарқ қиласи. Персонажни монолог тарзидаги унинг ўзи, ҳамкаслари ва дўстларидан ёзиб олинган интервьюси информацион-таҳлилий ёки бадиий публицистик жанрда намоён бўлса, томошабин қаршисида жамиятдаги ўзгаришларга бўлган муносабати ташки кўринишидаги аъзолари: кўзлари, қўллари ва қошлари орқали ҳам жонли қиёфада акс этади. Зангори экран техник имкониятлари, ифодавий воситалари туфайли ОАВдан бир поғона баландга кўтарилади.

Бугун портрет журналистикаси одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат намунаси бўлган ҳалол меҳнаткашларга, жонли қаҳрамонларга жуда муҳтоҷ. Журналистикада, йўналишидан қатъий назар, ижобий фазилатларга эга бўлган персонажларга эҳтиёж доимий бўлган. Шу ўринда маҳоратли ва тажрибали журналист Инна Руденконинг фикрларини келтирамиз: «Қаҳрамон фақат вақтни ифодаловчи эмас. У замон муҳтоҷ бўлган эҳтиёжларни акс эттирувчи ҳамдир». Вақт ўтяпти, замонлар ўзгаряпти, табиийки журналист яратаетган ва ёритаётган қаҳрамонлар, уларнинг портретлари ҳам шунга монанд қайта кўрилади.

Информацион оқим нафақат ижодкорлар гуруҳини, балки бутун инсониятни ўз домига тортиб, фикрларини ҳар мақомга йўргалатаётган вақтда замондош портрети маълум бир гурухга қаратилиши ноўрин деб ўйлаймиз ва оммавий ахборот воситаларининг барча тури ўз саҳифаларида буни исботляяпти. Ҳозирги экран қаҳрамони собиқ Иттифоқ давридагидан фарқли асосан меҳнаткашлардан эмас, балки сиёсий арбоблар, олимлар билан бир қаторда шоу бизнес вакиллари бўлган

актёрлар, хонандалар, янги урфда қалам тебратувчи шоирлар ва ҳ.к.лардан иборат. Турли соҳа вакилларидан иборат замондош портрети мақомининг мавжудлиги шубҳасиз. У ўз фикрига эга бўлиб, эл орасида танилиб, ҳатто, тан олинган бўлиши, мамлакатдаги ёшлар ёки катталар гурухини мулоҳазалари ортидан эргаштирганлиги ҳақида далиллар ҳам бордир. Аммо журналистнинг вазифаси замонавий тасвиirlар галереяси, рангли қарашлар ва нуқтаи назар орқали турли ижтимоий қатламлар орасидан жамиятни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялай оладиган персонажларни топиб, намуна бўла оладиган портрет даражасига олиб чиқишидир. Жараёнда ифода воситалари орқали бир оз бўрттирилган ҳолда томошабинга тақдим этар, лекин ҳақиқатга яқин бўлиши шарт.

Глобаллашув ва информация оқими огоҳлантиришсиз инсонлар онгини забт этаётган вақтда, портрет журналистикасига ҳам салбий таъсир кўрсатувчи ташқи обьектлар мавжудлигини айтиш адолатдан бўлади. Одамлар, қайси соҳада фаолият юритишдан қатъий назар дунё билан муносабатга киришаётганда фикрлар хилма хиллиги ортятпи ва журналист учун шахсни ўрганиш тобора мураккаблашяпти. Чунки яратилишга кўра инсон мутлақ ижобий ёки салбий бўла олмаслиги диний ва илмий адабиётларда ўз аксини топган.

Телевизион портрет – маълум бир шахсга бағишлиган лавҳа ёки ҳикоядир. Соҳасидан қатъий назар миллионлар ичидан ғайриоддий қобилияти ёки ижоди билан ажralиб чиқсан шахсни ҳар томонлама ёритишни ўз ичига олади. Бу пухта тайёргарликни талаб қиласди: персонаж ҳақида максимал даражада маълумотлар (фото ва видеоархив) йиғиш, сценарий устида ишлаш, бошловчининг кадрда мавжудлиги муҳимми ёки йўқ, муҳим бўлса ҳамкаслари, устозлари, яқинларининг у ҳақидаги интервьюси. Портретни персонаж ҳарактерини тимсоли сифатида бир неча босқичларда кўриб чиқамиз.

- Ҳужжатли ёки хотира портрети;
- Портрет-интервью;
- Портрет-очерк;
- Портрет-репортаж.

Телевидение – рассомлик, ҳайкалтарошлиқ, фото ва кинодан сўнг инсонни томошабоп қилишга уринаётган бадиий ижод туридир. Зангори экраннинг энг самарали хусусиятларидан бири шундаки, у шахсни яқиндан йирик планда кўрсатиб, ўз-ўзини кашф қилиш учун чексиз имкониятлар тақдим эта олади. А.В. Эфроснинг таърифи бўйича: «Телевидение – йирик пландаги кино»[8]. Фильмларда ҳам худди бадиий асар сингари тўқима ва бўрттирилган образ орқали, ҳатто, айтиш жоизки 3-4 нафар шахсдан ягона қаҳрамон яратилади. Ҳужжатли фильм реал ҳаётий персонажга асосланган бўлиб, экрандаги ҳужжатли-портрет билан ўхшаш томонлари бор. Фарқли томонлари, фильм узоқ муддатда яратилади ва хронометражи тайёр бўлгач аниқланади. Телевизион ҳужжатли портретда эса шакл деярли аниқ, дақиқалар ҳам ҳисобланган, чунки камида бир ҳафта, ўн кун аввал дастурга киритилиши керак. Ижодий жараённинг бошқа томони борки, ҳужжатли фильмда воқеалар занжири кетма-кетлиқда қурилмайди. Телевидениедаги ҳужжатли портрет яратувчилари

аудиторияни аввалдан тасаввур қиласылар ва оммабоплик учун харакатда бўладилар. Персонаж оммага намуна бўла оладиган ҳар қандай касб ёки ҳунар эгаси бўлиши мумкин, теленожкорлар уни томошабинбоп шаклларини тақдим этиш йўлларини излашади. Механизм асосан кетма-кетлик асосига қурилиб, аудитория учун бир кўрганда тушунарли бўлиши лозим. Чунки газета ва журналларда жумлалар, фикрлар мағзини чақиш учун қайта ўқиш имкони бор, телевидениеда эса ҳаммаси лаҳзаларда намоён бўлади ва англаш учун тезкорлик даркор. Албатта, техниканинг сўнгги имкониятларида кўрсатувларни сақлаб қўйиш функцияси бор. Аммо тўғридан тўғри эфирга узатилган телелойиҳа билан интерактив мулоқотга киришишни истаганлар учун бу бесамар.

Телевизион портретнинг қайси тури бўлишидан қатъий назар муаллифнинг позицияси муҳим роль ўйнайди. Журналист ҳар қандай вазиятда воқеага нейтрал ва объектив ёндашиши керакми ёки йўқ деган мулоҳазалар йиллар давомида баҳсталаб бўлиб келаётган вақтда, объективлик журналист учун калит сўз эканлигини таъкидлашдан чарчамаймиз.

Муаллифнинг иштирокчини ва унинг доирасини қай даражада ўрганганлиги, журналистнинг маҳоратидан келиб чиқиб кўрсатувнинг олиб боришига боғлиқ десак, нейтраллик ва объективлик нисбий тус ола бошлайди. Шунинг учун танланган қаҳрамон бир лойиҳада «очилади», бошқасида умумий фикрлар билан чегараланиши мумкин. Журналист Саодат Ўрмонова «Кўнгил ободлиги», «Оддий одамлар» кўрсатувларининг тайёрлаш жараёнларидан шундай мисоллар келтирадики, лойиҳа иштирокчиси муаллифнинг интервью олиш маҳорати туфайли оддий персонаждан намуна сифатидаги телевизион портретга айланади: «Дунё олимпиадасида спортнинг бокс тури бўйича қатнашиб, олтин медални қўлга киритган Мухаммадқодир Абдуллаевдан интервью олиш учун Андижонга йўл олганимизда кўпчилик, айниқса, «Спорт» таҳририятидагилар М. Абдуллаевни яхши гапира олмаслигини айтиб, йўлдан қайтишга ундашганди. Аммо интервьюдан икки томон ҳам қониқдик. Сабабини қаҳрамонимиздан сўрасам, у айтдики, менга доим ўзлари хоҳлаган фикрларни айтишимни сўрашарди, сиз биринчи бор ўзим истаган мулоҳазаларни билдиришга имкон бердингиз»[9]. Журналист психологиядан ҳам боҳабар бўлиши керакки, ҳар бир персонаж ўзига хос феъл-атвор, руҳиятга эга экан, қалбига ҳамиша ҳам тўғридан т тўғри тайёрлаб ёки ўйлаб қўйилган саволлар орқали йўл топиб бўлмайди.

Мамлакатимизда ноёб қобилиятга эга инсонлар кам эмас, ҳозирги журналистика оддий инсонлардан ҳам замондош портрети кашф қила олишини исботляяпти. Персонаждан портрет «ясанш» журналистнинг маҳоратига боғлиқ экан, ижодкорлар гурӯҳи дунёни тарқ этганлар ҳақида ҳам лойиҳалар тайёрлаб, ҳужжатли хотира – портретларини томошабинларга тақдим этишяпти.

Тадқиқотчилар тавсияларига кўра, журналист ҳар бир қаҳрамон қошида ниқобини маҳорат ила ўзгартириб, ўзини буқаламун каби тутса, сухбатдош ўзини бўш қўйиб, «сирларини» фош қиласи» [10]. Қаҳрамонни ёритишда ҳар бир муаллифнинг

ўз услуги бўлишини ва у ҳеч қандай стереотипларга бўйсунмаслигини ҳисобга олишимиз муҳим.

Бугунги кунда материалнинг нохолис тақдимотининг устунлиги, ҳужжатли портрет қаҳрамонлари сифатида кўп ҳолларда медиа шахсларнинг танлаши оқибатида юқори сифатли телевизион портрет–очеркларининг камайиши кузатилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Зеленина Е.В.«Портрет героя»: Ценностно-смысловые и творческие аспекты // Журналистская практика. <https://cyberleninka.ru/2014>. –С.35.
2. <https://qomus.info>
3. Андроникова М.И. Об искусстве портрета. – М.: Искусство, 1975.– С. 294.
4. Куръони Карим. «Аньом» сураси, 101-оят. – Т.: Сано-стандарт, 2019. – Б.140.
5. Неверова И.А. Художественный портрет как форма постижения человека в истории культуры: дис....канд.культурологи: 24.00.01/ С.-Петербург. гос. ун-т культуры и искусств. – СПб, 2008. – С. 36.
6. Асадуллаев М. Телевидениенинг назарий ва амалий асослари. – Т.: Мумтоз сўз, 2021. – Б.27.
7. Комсомольская правда. Почту читает обозреватель Инна Руденко: Кто герой дня? 26.08.2008.
8. Эфрос А.В. Кино и театр – пути взаимодействия//Искусство кино. №6. 1982. – С.76.
9. Ўрмонова С. Тележурналист. – Т.: Илм-зиё заковат. 2021. – Б.15.
10. Портретное интервью: телевизионные и сетевые форматы. <https://revolution.allbest.ru> 26.12.2019.